

Қасддан еб-ичиш ва қайт қилиш



19:00 / 20.05.2020 2490

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Рамазондан бир кунни Аллоҳ берган рухсатсиз оғзи очик ҳолда ўтказса, умрбод рўза тутиб ўтказса ҳам, унинг қазосини адо эта олмас», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Шарҳ: Маълумки, бемор, мусофир, қари кишилар, шунингдек, ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳам рўза тутишлари узрли бўлган кишилар ҳисобланади. Мазкур тоифалардан бошқалар, албатта, Рамазон ойи рўзасини тутишлари шарт. Рамазон ойи рўзасини тутмаган одам гуноҳкор бўлади. Узрсиз бир кун рўзани тарк қилган одам умр бўйи рўза тутиб ўтса ҳам, ўша рўзасини

тутмаган куннинг савоби ўрнини тўлдиролмайди. Чунки фарз рўзани ўз вақтида тутиш инсонни жуда ҳам катта савобга сазовор қилувчи нарсадир.

Имом Молик ва Имом Абу Ҳанифаларнинг мазҳаблари бўйича Рамазон рўзасидан бир кунни узрсиз тутмаган одамга юқоридаги ҳадисдаги Рамазонда хотинига жинсий яқинлик қилган кишига кўрилган каффорот чоралари жорий қилинади.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким рўзадорлигини унутиб қўйиб, еса ёки ичса, рўзасини батамом қилсин. Уни Аллоҳ едирибди, ичирибди, холос», дедилар.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Термизийнинг ривоятларида:

«Ким унутиб еб-ичса, оғзини очиб юбормасин. Бу Аллоҳ уни ризқлантирган ризқ, холос», дейилган.

Шарҳ: Ислом шариатининг умумий қондаси бўйича, эсдан чиқариб содир этилган ҳар бир хато кечирилади. Бу қонда рўза борасида ҳам жорий этилади. Инсон гоҳида, айниқса, Рамазони шарифнинг биринчи кунларида ўзининг рўзадорлигини унутиб қўйиши табиий бир ҳол. Шунинг учун эсдан чиққан ҳолда бирор нарса еб ёки ичиб қўйса, рўзаси очилган ҳисобланмайди. Балки эслаган заҳоти ўзини ейиш-ичишдан тўхтатади ва рўзасини давом эттираверади. Мазкур қондага ҳеч ким хилоф қилмаган.

Бу ҳам Ислом дийнининг енгиллик дийни эканлигига ёрқин бир далилдир. Инсондаги бор заифликларни яхши билган Аллоҳ таоло шариат ҳукмини жорий қилишда мазкур заифликларни ҳисобга олиб қўйган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан